

**Ўқувчиларни замонавий касбларга йўналтириш муаммолари**

**Н.Рахимов**

**Осиё Халқаро Университети магистранти**

Меҳнат бозорининг шаклланиши ва рақобатнинг пайдо бўлиши натижасида ахборот технологияларнинг жамият тараққиётида ўрни ва аҳамияти ошиб бориши ҳар бир давлатнинг ушбу соҳага бўлган кадрларга эҳтиёжларининг ортишига олиб келди. Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар негизида умумий ўрта таълим ўқувчиларини ИТ-соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтириш устивор вазифа сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва қулай инвестицион муҳитни яратишнинг асосий воситаларидан бири ҳудудларда ИТ-паркларни барпо этишдир. ИТ-парклар ривожланган давлатлар томонидан илғор технологияларни жорий этиш ҳамда хорижий капитални жалб қилиш имконини берадиган янги иқтисодий ривожланиш механизми сифатида қаралади. Шу нуктаи назардан, иқтисодий ривожланишда жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган республикамизда ИТ-парклар ҳудудларнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, энг муҳим вазифалар сифатида қўйидагилар эътироф этилади:

-Иқтисодиётга инновацион ИТ- технологияларни жалб қилиш, ҳудудларнинг инфраструктурани шакллантириш;

-Жалб қилинаётган инвестициялар ва амалга оширилаётган лойиҳалар орқали ҳудудларда техник-технологик ривожланишни жадаллаштириш;

- Аҳолининг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, биринчи навбатда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини ИТ-технологияларсаҳосидаги касбларга йўналтириш;

- ИТ-технологиялар саҳосида малакали кадрлар ва бўлажак ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги “ИТ-технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 556-сонли Қарорида ўқувчиларни ИТ-соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтириш, педагогик-психологик имкониятларни кенгайтириш, прогностик моделини ишлаб чиқиш ва информацион-дастурий технологиясини такомиллаштириш каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу устивор вазифаларни амалга оширишда умумий ўрта таълим битирувчиларини рақамли иқтисодиётнинг ривожланириш кўрсаткичлари асосида ўқувчиларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтириш муҳим аҳамият каб этади. Шуни инобатга олган ҳолда ўқувчиларни замонавий касбларга йўналтиришда қўйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур.

Жумладан:

-Ўқувчиларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтиришда давлатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг стратегик мақсадларини инобатга олиб ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга йўналтириш тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги;

-Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга доир билимларини, касбий қизиқишлиари, қобилияtlаринг ҳисобга олинмаганлиги ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжлари ва жамият талабларига мувофиқ равишда уларни ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтирилмаганлиги;

## INTERNATIONAL CONFERENCE ON MULTIDISCIPLINARY SCIENCE

-Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш кўрсаткичларига ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ахборот-технологиялар соҳасидаги касбларга йўналтирилмаганлиги;

-Ўқувчиларни IT-соҳасидаги касбларга йўналтириш орқали халқаро меҳнат бозорига чиқиши имкониятларининг инобатга олинмаганлиги;

-Ўқувчиларни IT-соҳасидаги касбларга мақсадли ва манзилли йўналтириш тизимининг замонавий ахборот-дидактик нуқтаи-назаридан тадқик қилинмаганлиги;

-Ривожланган давлатларнинг битирувчи синф ўқувчиларни IT-технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасидаги касбларга мақсадли ва манзилли йўналтиришдаги илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни амалиётига жорий этимаганлиги;

-Ўқувчиларни IT- технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасидаги касбларга мақсадли йўналтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, замонавий педагогик ва амалий асослари ишлаб чиқилмаганлиги;

Ўқувчиларни IT-технологиялар соҳасидаги касбларга мақсадли ва манзили йўналтириш тизимини илмий асосланмаганлиги кабилар.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги “IT-технологиялар ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 556-сонли Қарори.

2.Лапчик М.П., Семакин И.Г., Хеннер Е.К. и др. Теория и методика обучения информатике. М.: 2008 — 592 с.

3.Захарова Н. Н. Профессиональная ориентация школьников / Н. Н. Захарова. – Москва, 2006. – 229 с.

4.Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий–назарий асослари. Монография. – Т.: Фан, 2007. – 160 б.